

# Инсон ва ҚОНУН

2022 йил 19 июль  
сешанба  
№ 27 (1335)

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan!

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

Энг сўнги хабарлар  
Ҳуқуқий маълумотлар  
Тахлилий мақолавлар  
Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz



4-бетда ўқинг

**Жабрланган аёлга  
ҳимоя ордери берилди**



5-бетда ўқинг

**Аччиқ, аммо очиқ  
гаплар**

БИР фан докторининг ёзган  
баландпарвоз гапларини икки  
кундирки, ҳазм қилолмайман.  
Ўйлаб қоламан, айб мендами,  
унда?! Менда бўлса керак айб...  
унга тўғриси айтиш керак...



7-бетда ўқинг

**Болангизни кимнинг  
қўлига топшираяпсиз?**



Парвозингиз  
ЮКСАК ва  
БЕХАТАР  
бўлсин!

Давоми 3-бетда

“Янги Ўзбекистон” боғи юртимизга ташриф буюрадиган мартабали меҳмонлар қадамжойига айланган. Шунингдек, мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас воқеалар, тантанали тадбирларнинг ҳаяжонли лаҳзаларига ҳам ана шу муаззам боғ шоҳид. Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиали илк битирувчиларининг битирув ва қасамёд маросими ҳам худди ана шу боғда бўлиб ўтди.

# Хориж дипломи билан ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАСА БЎЛАДИМИ?

**■ ҲОЗИРГИ кунда кўплаб ёшларимиз хориж давлатларидаги нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқишга интилмоқда. Бунинг жуда кўп афзалликлари ҳам мавжуд. Масалан, чет тилини мукаммал ўзлаштириш, турли миллат вакиллари билан дўстлашиш, мутахассислик фанини мукаммал ўзлаштириш, энг замонавий лабораторияларда тажриба олиб бориш. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.**



### Ёдда сақланг!

Сиздан юқорида саналган ҳужжатлардан ташқари бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш таққуланади.

Лекин бу борада гап кетганда, кўпчилиқда оддий бир савол туғилади. “Хориждаги олий таълим муассасасидан олинган диплом билан Ўзбекистонда ишласа бўладими?”. Ҳа, албатта, аммо маълум тартиб-таомилларга риоя этишингиз керак бўлади. Қандай дейсизми? Куйида бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтаимиз.

Мамлакатимизда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш билан Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси шугулланади. Мазкур инспекция хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар (профессионал), олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги 1992 йил 1 январдан сўнг берилган ҳужжатларни тан олиш билан боғлиқ ишларни олиб боради. Ушбу хизматни кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида”ги 620-сон қароридир. Мазкур давлат органига сиз бевосита давлат хизматлари марказларига бориб мурожаат қилиш орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (my.gov.uz) рўйхатдан ўтган ҳолда сўров йўллашингиз мумкин.

### ■ Биласизми?

Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат гувоҳнома билан биргалиқда тақдим этилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонуний кучга эга бўлади.

### ■ Бунинг учун қандай ҳужжатлар керак бўлади?

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун сўровномага куйидаги ҳужжатларни илова қилишингиз лозим:

- хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илова;
- хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илованинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига таржима қилинган нотариал тасдиқланган нусхаси.

### ■ Тўлов миқдори қанча?

Хорижий давлатларда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорда йигим ундирилади.

Сўровнома давлат хизматлари марказида ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали зарур маълумотлар киритилгандан сўнг талабгорнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

### ■ Билишингиз керак!

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш куйидаги ҳолларда тўғридан-тўғри (синовларсиз) амалга оширилади:

- хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва малака ошириш таълими олган талабгорларнинг хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудда алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Nigher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингидан олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- тизимда олий таълим муассасалари бўлган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг йўлнамалари асосида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантлар) ҳисобидан таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- 1992 йил 1 январгача хорижий таъ-

лим муассасаларига ўқишга кирган талабгорларнинг ҳужжатлари;

- Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари — ваколатли ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

- АҚШ, Австралиа Иттифоқи, Исроил Давлати, Канада, Сингапур Республикаси, Корея Республикаси, Япония давлатларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкилотлари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;
- хорижий олий таълим муассасаларида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар.

### ■ Ҳужжатлар топширилди, тўлов қилинди, хўш, кейинчи?

Хорижий давлатларда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун Давлат инспекциясида хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни ўрганиш бўйича эксперт комиссиялари ташкил этилади.

Ҳужжатлар давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган пайдан бошлаб Давлат инспек-

цияси томонидан бир иш куни мобайнида сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлиги текширилади. Ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда бир иш кунидан кечикмай эксперт комиссияларига юборилади. Эксперт комиссиялари Давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи билан тегишли таълим соҳалари бўйича 5-21 кишидан иборат таркибда ташкил этилади. Эксперт комиссиялари таркибига Давлат инспекцияси ходимлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфатдор вазирликлар ва идоралар тизимидаги ташкилотлар ва муассасаларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари киритилади.

Эксперт комиссиялари хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича ҳужжатларни кўпи билан ўн иш куни ичида экспертизадан ўтказиши ва хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишга қўйлайдиган талабларга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тайёрлайди.

Эксперт комиссиялари томонидан таълим тўғрисидаги ҳужжатларга ижобий хулоса берилган ҳамда тест синовларидан муваффақиятли ўтган талабгорларга, шунингдек, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олинган талабгорларга Давлат инспекцияси бошлиги томонидан хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида гувоҳнома бериш бўйича буйруқ қабул қилинади.

Давлат инспекцияси бошлигининг хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома бериш тўғрисидаги буйруғига асосан тегишли гувоҳномалар тайёрланади. Гувоҳномалар Давлат инспекцияси масъул ходими томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва QR-код қўйилган ҳолда уч иш куни ичида тегишлилигига кўра давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорларга юборилади.

### ■ Ҳуқуқларим бузилганда кимга мурожаат қилсам бўлади?

Сиз хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ёки уни рад этиш ҳақидаги хулоса, шунингдек, Давлат инспекцияси ходимлари ва эксперт комиссиялари аъзоларининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Шикоят қилмоқчи бўлсангиз, сизда 2 та йўл мавжуд:

- юқори турувчи органга мурожаат қилиш, яъни бевосита Вазирлар Маҳкамасига мурожаат йўллаш;
- маъмурий судга ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Мазкур вазиятда сиз юқори турувчи органга мурожаат қилсангиз, давлат божи тўламайсиз. Аммо маъмурий судларга давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризалар (шикоятлар) бўйича фуқаролардан БҲМнинг 1 баравари, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан БҲМнинг 10 баравари миқдорда давлат божи ундирилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хориждаги олий таълим муассасасида олган дипломингиз билан юртимизда белгиланган шикоят қилиш ҳақида ушбу дипломни Ўзбекистон Республикаси ҳудудда тан олинганлиги ҳақидаги гувоҳномани олишингиз талаб этилади.

Исломбек АБДИРАҲИМОВ,  
“Мадад” ННТ масъул ходими

☉ Давоми. Бошланиши 1-бетда

# Парвозингиз ЮКСАК ва БЕХАТАР БЎЛСИН!



## Филиал ҳақида

— Бундан уч йил олдин Президентимизнинг 2019 йил 7 февралдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар органлари ва Миллий гвардия бўлинмалари учун хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида олий юридик маълумотли кадрлар тайёрладиган Тошкент давлат юридик университети ихтисослаштирилган филиали фаолияти йўлга қўйилган эди, — дейди филиал директори, юридик фанлар доктори, профессор Абдоржон Отажонов.



Мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар юртимизда тинчлик ва оқсоқликни таъминлаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қўзланган мақсадларга эришишда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида замонавий илм сирларини эгаллаган, теран фикрлайдиган ва янгича дунёқараш соҳиб бўлган кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Филиалимизда “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш” мутахассислиги бўйича кундузги таълим шаклида бакалавриятнинг махсус уч йиллик

дастури ҳамда давлат грантлари асосида 255 нафар юридик кадрлар тайёрланади. Бугунги кунда филиалда 848 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Қайта тайёрлаш курсларида жами 50 нафар тингловчи таҳсил олаётган бўлиб, уларнинг 45 нафарини ички ишлар органлари, 5 нафарини Миллий гвардия тузилмалари ходимлари ташкил этади.

Ўтган давр мобайнида талабаларда таълим беришнинг модул тизими асосида юриспруденция соҳасида базавий ва амалий касбий тайёргарлик шаклланди, ўқув жараёни назарий тайёргарликнинг хуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган замонавий шакл ва усуллар, ахборот-коммуникация технологиялари асосида олиб борилди, талабаларнинг психологик тайёргарлиги, хуқуқий, сиссий маданияти ва хуқуқий онгини оширишнинг самарали тизими жорий этилди, аҳоли ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини ривожлантириш назарда тутилди.

Ички ишлар вазирининг тегишли буйруғига асосан 233 нафар битирувчи, Миллий гвардия кўмондонининг тегишли буйруғига асосан 3 нафар битирувчи “лейтенант” махсус унвони берилди. Филиалнинг 10 нафар битирувчиси белгиланган таълим дастурини аъло баҳолар билан якунлаб, имтиёзли диплом олиш хуқуқига эга бўлди.

## Илк қалдирғочларнинг Ватанга қасамёди

Тантанали тадбир ҳарбий оркестрнинг мусиқа садолари остида улуғвор кўтаринчилик билан ўтди. Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия ва бошқа вазирлик ҳамда идоралардан келган меҳмонлар, кенг жамоатчилик ва битирувчиларнинг ота-оналари илк қалдирғочларимизни табриқлаб, қутлашди.

Жорий йилда 261 нафар олий юридик маълумотли битирувчилар ўқишни тамомлаб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида профилактика инспектори лавозимида хизмат фаолиятини бошлайди.

нант” махсус унвонини органимиз келгусида ўз касбимизга муносиб бўлишга, чинакам халқларвар ходим сифатида фуқароларимизнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга пойдевор бўлиши аниқ.



Битирувчилар хизматга кириш олдидан тантанали қасамёд қабул қилди. Ҳар бир битирувчига филиалда ўқишни тамомлаганлиги ҳақида “кўкрак нишон” топширилди. Биринчи битирувчиларнинг — “Ватанимга садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қиламан...” деган сўзлари ҳар гал жаранлаганда, Ватанга фидойий ёшларнинг қатъиятидан тўпланганларнинг қалби ифтихорга тўлди.

## Анвар ҲАЛИМОВ филиал битирувчиси:

— Бугун мен ва мен каби майдонда саф тортиб турган тенгдошларим учун ниҳоятда қувончли кун ҳисобланади. Биз шу олийгоҳнинг биринчи битирувчилари эканлигимиздан фахрланамиз. Келгусида Она Ватанимизга садоқат ва ҳалоллик билан хизмат қилиб, халқимиз оқсоқликни ва фаровонлигини таъминлашда билим ва кўникмаларимизни, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишга тайёрмиз.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари хизматига қабул қилиниб, “лейте-

нанти” махсус унвонини органимиз келгусида ўз касбимизга муносиб бўлишга, чинакам халқларвар ходим сифатида фуқароларимизнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга пойдевор бўлиши аниқ.

## Ота-оналарнинг фахру ифтихори ўзгача

Ота-оналар учун фарзандининг қамолини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Битирувчилар ота-оналарининг қалбини ғурурга тўлдирган лаҳзаларнинг гувоҳи бўлиш, албатта, жуда ёқимли. Навкирон йигит-қизларнинг мустақил ҳаётга қўяётган қадимда шароф ва ўзига яраша юксак масъулият, залворли юк борлигини ҳам энг аввало ота-оналарнинг юраги ҳис этади.

## Замира ШОНАЗАРОВА:

— Бугун жудаям бахтиёрман. Сафда виқор билан турган фарзандимнинг қадди-бастига қараб, чехрасидаги қувончни кўриб қалбим ғурурга тўлди. Ўғлим Расулжоннинг ҳар бир ютуғи мен учун катта муқофот.

Жонажон Ўзбекистонимиз ва муҳтарам Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга тайёр бўлган фарзанднинг онаси эканлигимдан фахрланаман.

Бунинг замирида Сиз — азиз устоз-мураббийларнинг, филиал раҳбарияти ва жамоасининг машаққатли меҳнати борлигини ҳамда масъул вазирликларнинг амалий ёрдами алоҳида эътироф этмоқчиман.



## Зарифа ҲОЖИБОЕВА:

— Ўғлим Беқоджоннинг қасамёд қабул қилишини кўриш мен ва оиламиз учун катта бахт. Яхши устозларнинг тарбиясини олган ўғлим албатта уларнинг, Ватаннинг ишончини оқлайдиган фидойий мутахассис бўлишига ишончим қомил. Унга ҳавас қилиб, қизимизни ҳам шу йил ушбу олийгоҳда ўқитиш ниятидамыз. Ажойиб ватанпарвар йигит-қизларни тарбиялаётган устозларга ташаккур!

Мусаффо осмонимиз узра оппоқ кабутарлардек учишга тайёр турган, кўзида, сўзида, ҳар бир ҳаракатида ғайрат ва шижоат, шарқона одоб ва мардона шитоб акс этиб турган, Ватан учун яшашга аҳд қилган азиз йигит-қизларимизга парвозингиз юксак ва бехатар бўлсин, деймиш!

Маруза ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** Конституциясининг 26-моддаси “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзиққа дучор этилиши мумкин эмас”лиги белгилаб қўйилган. Аммо инсон ҳаёти давомида турли ҳолатлар, айрим кўнгилсизликларга ёки таъзиқларга дуч келиши табиий.

Бухоро туманидаги “Кўчқўмар” маҳалласида яшовчи фуқаро Р.У. ҳам ўз ёнида яшовчи қариндошларидан жабр кўрганлардан бири. У ижтимоий ёрдамга муҳтож аёл сифатида “Аёллар дафтари” рўйхатида туради. Турмуш ўртоғи Н.Э. Россия Федерациясига ишлаш учун кетганидан кейин унинг ҳаётида янги муаммолар пайдо бўлди. Қайинукаси ҳар куни жанжал кўтариб, тинчлини бузиб, уни ўз уйида яшашга қўймагач, ота-онанинг уйига кетишдан бошқа чора тополмади. Шундан сўнг ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиши ҳамда ҳимоя ордери берилишида амалий ёрдам кўрсатишни сўраб, Бухоро туман адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Туман адлия бўлими томонидан мазкур мурожаатни ўрганиш жараёнида юқоридаги вазият ўз тасдиғини топди. Туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда жорий йилнинг 7 июлида Р.У.ни қайинукаси Ҳ.Т.нинг жанжал ва зўравонликларидан ҳимоя қилиш мақсадида унга ҳимоя ордери расмийлаштирилиб берилди.

**Абдурахимхўжа БАФАЕВ,**  
Бухоро туман адлия бўлими бошлиғи



**НАВБАҲОР** туман ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш марказига олди-сотди шартномасида назарда тутилган шартларни амалда бажарилишини таъминлашда ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Аниқланишича, ободонлаштириш бошқармаси ва “Global Rapid Transportation” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 26 январда имзоланган олди-сотди шартномасига асосан тадбиркорлик субъекти ободонлаштириш бошқармасига трактор ва тиркамалар етказиб бериш мажбуриятини олган. Ўрганиш жараёнида бошқарма томонидан МЧЖга белгиланган пул маблағлари ўз вақтида кўчирилганлиги маълум бўлди.

Тадбиркорлик субъекти томонидан келишувдаги 227 миллион 145 минг сўмлик “МТЗ 82Д” русумли трактор ободонлаштириш бошқармасига етказиб берилган бўлса-да, умумий қиймати 56 миллион 145 минг сўмга тенг бўлган тиркаманинг олиб келиниши пайсалга солинган. Шартнома шартлари бузилганлиги сабабли ҳужжат талабларига мос пеня ҳам ҳисобланган. Мазкур маблағни ундириш мақсадида судга даъво аризаси киритилди.

**Муҳриддин ТОШНИЁЗОВ,**  
Навбахор туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсулти

**ТОШКЕНТ** МЧЖ раҳбари Ш.У.нинг 96 миллион 628 минг 634 сўм маблағи “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” АЖ томонидан ноқонуний қайта ҳисоб-китоб қилиниб, асоссиз олиб қўйилган. Бундан норози бўлган тадбиркор Тошкент шаҳар адлия бошқармасига мурожаат қилган.

**ТАДБИРКОРДАН НОҚОНУНИЙ УНДИРИЛГАН ПУЛ ҚАЙТАРИЛДИ**



Мурожаатни ўрганиш давомида МЧЖ ҳамда “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” АЖ Олмасор туман ЭТК билан тузилган шартномага мувофиқ электр таъминоти учун бир ставкали тариф асосида фойдаланилган электр таъминоти учун ҳақ тўлаб келингани маълум бўлди.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш” қондаларининг 150-бандига мувофиқ И тариф гуруҳига улганган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган, электр энергияси учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилинадиган истеъмолчилар кириши лозимлиги кўрсатилган. Мазкур қондалнинг 61-бандида эса, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан электр таъминоти шартномаси тузилгандан кейин истеъмолчининг айби билан истеъмолчини тегишли бўлмаган тариф гуруҳига киритиш ҳолати аниқланганда, ҳудудий электр таъминоти корхонаси томонидан шартнома тузилган пайтдан, бироқ даъво мuddатидан ортиқ бўлмаган давр учун қайта ҳисоб-китоб қилиниши кўрсатилган.

Шунга қарамадан “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” АЖ Олмасор туман ЭТК ходими томонидан олиб борилган ўрганишда расмийлаштирилган далолатномаларга асосан асоссиз қарздорлик ҳисобланиб, тадбиркорнинг 96 миллион 627 минг 634 сўм пул маблағи олиб қўйилган.

Ўрганиш натижасига кўра, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектининг манфаати юзасидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилиб, суднинг ҳал қилув қароридида “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” АЖ ҳисобидан МЧЖ фойдасига 96 миллион 627 минг 634 сўм қарзни ундириш белгиланди.

**Абдуқаҳҳор МУҲАМЕДБАЕВ,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси маъсул ходими

Маълум бўлишича, фуқаро Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Сергели туман бўлимига имтиёзли асосда ёшга доир пенсияга чиқиш учун ариза билан мурожаат қилган, лекин комиссия қарорига кўра, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи айрим иш даврлари бўйича иш жойи аттестациядан ўтказилмаганлиги сабабли, унга имтиёзли асосда пенсияга чиқиш рад этилган.

Ваҳоланки, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси “б” бандига асосан умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар — аёллар иш стажы камиди 20 йил бўлиб, бундан камиди 10 йил кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда эга бўлади.

Олий суд пленумининг “Давлат

**ТОШКЕНТ**

**ФУҚАРО Н.К. 2001 йил 24 апрелдан 2022 йил 24 январга қадар Республика шойинч тиббий ёрдам илмий маркази “Комбустиология” — куйганлар бўлимида ҳамшира бўлиб ишлаган. Бироқ юқорида келтирилган давр мобайнида зарарли ва оғир ишда ишлаганлик факти Пенсия жамғармаси томонидан тан олинмаган. Шундан сўнг фуқаро Сергели туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўраган.**


**Ҳамширанинг имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқи НЕГА РАД ЭТИЛДИ?**

пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2017 йил 29 ноябрдаги қарорининг 5-бандига кўра, иш ўринларининг аттестация қилингани тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик фактини белгилаш ҳақидаги ишлар судда кўрилиши мумкин.

Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари

бўйича Яккасарой туманлараро судига фуқаро Н.К.нинг 2001 йилдан 2022 йилга қадар зарарли ишда ишлаганлик фактини белгилаб бериш ҳақида ариза киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан, туман адлия бўлимининг фуқаро Н.К. манфаатида юридик фактни белгилаш ҳақидаги аризаси қаноатланганди.

**Нурулло ХАЛИЛОВ,**  
Сергели туман адлия бўлими бошлиғи



**ИШ берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларининг нозик томонларидан бири бу меҳнат интизомини бузган, қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган ёки мансаб йўриқномасида белгиланган мажбуриятларини бажармаган ходимларга нисбатан интизомий жазо чорасининг қўлланилиши ҳисобланади.**

Меҳнат кодексининг 182-моддасига асосан интизомий жазо ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади.

Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ноҳўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди. Ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармасининг 2022 йил 4 февралдаги буйруғи билан Учтепа туманидаги умумий ўрта таълим мактаби директори Ф.С.га Меҳнат кодексининг 181-моддаси биринчи қисмига

асосан “ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган. Мазкур буйруқни қабул қилишда тумандаги болалар масалалари бўйича миллий комиссиянинг 2021 йил 18 ноябрдаги “Вояга етмаганлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолатларини бартараф этиш ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида”ги тақдимномаси ва туман ҳалқ таълими бўлимининг 2021 йил 18 декабрдаги йиғилиш баёни асос бўлган, яъни айбли хатти-ҳаракат аниқланганлигига бир ойдан ўтган бўлса-да, интизомий жазо чораси қўлланилган.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоранинг 2021 йил 28 декабрдаги тақдимномасига асосан бош бошқарманинг 2022 йил 20 январдаги буйруғи билан

Шайхонтоҳур туманидаги умумтаълим мактаби директори Г.З.га ва мактаб бош ҳисобчиси Д.Х.га “ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган.

Мазкур ҳолат бўйича текшириш ўтказилиб, натижаси бўйича 2021 йил 15 ноябрда маълумотнома расмийлаштирилган. Демак, мактаб раҳбарияти ва бош ҳисобчининг айбли хатти-ҳаракати аниқлангандан сўнг бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач уларга интизомий жазо чораси қўлланилган.

Шунга кўра, адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан юқоридаги интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги 3 та буйруқ бекор қилинди.

**Мавлуда БОБОРАИМОВА,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси маъсул ходими

Илмий иш билан ҳаёт янги-янгиланиб қолиши учун ўша илмий иш ҳаётини бўлиши керак! Ҳаётдан узоқ бўлса, у Тўйтепага ҳам етиб бормади!!!

Ҳаётдан узилиб қолган қоғозлар ҳақида ёзмоқчиман бугун. Қоғоз экан деб ҳар нарсани ёзавермайлик! Бу қоғоздаги гаплар бир куни кимнингдир тақдирини ўзгартирар, балки, шуни биласизми ўзи?!

Билмайсиз! Билганингизда бунча кўп ёзмадингиз. Гап ҳажмда эмас, гап гапнинг кўплигида ҳам эмас, гап хориж тажрибасида ҳам эмас, маҳаллий тажриба қачон шаклланди?! Кўчирмақашлик уят-ку! Ўз тилинг туриб нега рус тилида ёзасан, эй, қонушунос?! Эй, барака топкур, қачон халқчил ёзасан?! Қачонки, халққа яқин бўлсанг ёзасан-да!

Биргина оддий мисол келтираман. Кабинетда ёзилган қонун ёки бирор-бир дастур ҳам ҳеч қачон ҳаётини бўлмайди. Мана, масалан, "Обод қишлоқ" гоёси! Гапимга қарши бўлсангиз, манзилингизни айтинг, бир қишлоғимга саёҳатга олиб бораман! Ана қишлоғу мана қишлоқ!

Хонанишин қонунлардан воз кечишимиз керак! "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги бир халқчил Қонун бор. Мен шу Қонунни яхши кўраман! Агар шу Қонун ишлаганида Богори, эх-хэ, нималар ўзгармасди ҳаётимизда.

Танқидий мавзуда жуда кўп ёзамиз. Лекин биров ўқиб-бирров ўқимади, очиги. Ростини айтиш ҳам мардлик! Агар ўқиган бўлсангиз, нимадир ўзгарди-ку! Юрагингиз тошмасдир!

Бундай гапларга ер ёрилиб, ерга кириб кетишингиз керак эмасмиди?! Осмон узилиб тушармиди мен гапирганим, Сиз эшитмаганингиз билан.

### МАҲАЛЛИЙ ДЕПУТАТ ҲЕЧ КИМ ЭМАС!

Ҳеч кимнинг оёғи ердан узилмасин!

Йўқ, мен ёмон ният қилаётганим йўқ! Фақат яхши ният қилаётган, чиройли орзу-да буям бир...

Депутатлигим ҳақида ҳам ёзмай қўяқолай десам, эплотмадим. Ҳаётимнинг энг оғриқли нуқтаси шу экан шу кунларда. Нимаси оғриқли, дерсиз?! О, буни мен айтмай, Сиз эшитманг, қанийди айтмасам, эшитмасангиз...

Лекин айтишим керак... Маҳаллий депутат ҳеч ким эмас! Бу гапим учун мени қайси қонун биландир сўроқ қилиш керак бўлса, тайёрман!

Ўзга сайбарадан келган одамга ўхшайман гўё.

Нима қилай, мен мажлислар учун тугилмаганман. Амалда тайинли бир иш қилгим келади. Ахир, ёшман, қотиб қолган тош эмасман! Юрагимда оловдай шиддатим, оз бўлса-да, ҳаётини тажрибам бор, юрак тўла яхши орзу-ниятларим бор.

Дунёда ҳамма нарса нисбий. Ҳеч ким ҳеч кимга баҳо беришга ҳақли эмас аслида. Лекин кўргангини айтиш ҳам керак, ахир! Сен одамсан, онг, тафаккур, ақл деган тушунчалар бор сенда! Алпақандай тилсиз мавжудот ёки жонивор эмас-



# АЧЧИҚ, аммо

# ОЧИҚ гаплар

■ БИР фан докторининг ёзган баландпарвоз гапларини икки кундирки, ҳазм қилолмайман. Ўйлаб қоламан, айб мендами, унда?! Менда бўлса керак айб... унга тўғриси айтиш керак...

санки, бўлаётган ишларга жимми қараб тураверсанг, индамай.

Ким нима деса десин, қачонки, маҳаллий амалдорлар қорнини катта қилиш билан банд экан, қишлоқлар учун алоҳида қонун, шаҳарлар учун алоҳида қонун ҳужжатлари керак!

Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор. Ҳар куни жўмрагидан иссиқ-совуқ сув оқиб турган шаҳарлик олифтанома одам билан сув келишини орзиқиб кутадиغان, сув келганда кўча бошига халлослаб югурадиган қалнининг фарқи бор-ку, ахир?!

### ■ ЕРЛАР ЭГАЛИК БЎЛМАДИ. ЕРЛАР ЭГАСИЗ ҚОЛДИ!

Ҳамма жойнинг ўз об-ҳавоси бор. Бир муҳит иккинчи бир муҳитдан тубдан фарқ қилади, ахир! Ҳамма жойни бирварақайига кластер қилиш тўғримида? Фермер деганининг қосаси ҳеч оқармади. Қарзга ботган эллик-юз гектарлаб ерни сув келмаслигини била туриб олганлар режа қўйилмас ҳам ерни эплай олишмади. Хароб қилишди, шўрлатиб юборишди, ўт босиб ётибди, ажриқзор бўлиб кетди болалигимизда тонна-тонна пахта берадиган, бугдой экиладиган катта-катта экин майдонлари ҳам!

Бу ерлар ҳисобдан чиқиб кетганини нима, биров мушугини пишт демайди, ана шундай қаровсиз ер эгаларининг қаердадир кимидир бор шекилли, бамайлихотир. Охири йилларда қовун-тарвуз

экилганда шундай ерларнинг катта қисмига, бугун қамиш босиб, бегона ўт босиб, қақраб ётибди, мол боқишдан бошқага ярамай қолди шундай унумдор ерлар ҳам. Бу фожиа эмасми?

Ун қимматлади, ёғ қимматлади, деймиз?! Қимматламай ўлсинми, шундай ерлар қаровсиз қолса, шўрлаб, бегона ўт босиб, шўралаб ётса?! Сув чиқмай қўйди бу ерларга, сув етиб бормай қўйди. Ёғ бўлармиди чигити, нон бўлармиди бугдойи, қачонгача қўшнилардан картошка сотиб оламиз?!

Агроном амаким бор, пиллачилиқда суяги қотган. Тутқаторлар ҳам қаровсиз қолди, агрономлар ҳам ишсиз қолди биз томонларда. Сиз томонларда ҳаёт қандай билмадим.

Илмий иш қилаётган ёш олимлар ана шунча муаммоларни ҳал қилса бўлмасмикан?! Ўйлаб қоламан, мақсад фақат ёзиш бўлса, бу фожиа-ку! Амалда натижа бўлмаса кимга керак сенинг PhДлигинг?!

Маҳалла раисларини эрта баҳорда қишлоқ одамларини ҳам эшигининг ёнидан ўтган ариқчи қазитгани олиб чиқолмаса нима дейсиз? Ҳозир демократия дейишди бунга! Ҳамма эркин, ариқча олдингдай ҳал қилса тўлиб-тошиб сув келмаса, ўзи уни чуқур қилиб қазигандан нима фойда, дейди бир ақллиси.

Балки, тўғри айтар, жони куйганидан айтар, экинзори айна гулга кирганда қовжираб, саратонда сувсиз қолганидан айтар, боғдаги мевасига сувсизликдан қурт тушиб, дарахтларини қишда ўтин қилиб ёққанидан айтар. Айтса айтар, а, нима дейсиз, барибир айтганини биров эшитармиди?!

Экскаватор деган бир тракторнинг ажабтовур тури бўларди бир маҳаллар. Ерлар шўрламаслиги учун зовур қаздиришарди бу экскаваторда. Ерларнинг шўри шундай кетма-

зиларди. Ҳозир-чи?! Сен менга тегма, мен сенга тегмайман...

Табиий бойлигимиз — тоза, унумдор ерларни шундай хор қилганларга нега қонунларимизда жазо турлари белгиланмаган?! Ўзи бу ерларни кимдир қаттиқроқ назорат қилади? Ё қоғозда нима деб ёзилса, ишониб кетилаверадими?!

Бу ерларни назорат қилувчилар ҳам иссиқ ўрнидан бир кўзгалишса, ун билан ёғ арзонлашарди табиий йўллар билан. Гўшт арзонлашарди, чорвачилик ривожланарди. Алмашлаб экиш деган нарсаси бор деҳқончиликда. Оддий лавлаги экилса ҳам ерга чорвага яхшигина емиш бўлади. Шакарнинг нархини гапирамиз, қанд лавлагидан нега воз кечилди?!

### ■ ҚОДИРИЙНИ НЕГА ЎЛДИРИШДИ?

Истаган қонун ҳужжатини столга қўйинг, мен қишлоқда катта бўлган фўкур сифатида Сизга қишлоққа мос келадиган-келмайдиган жиҳатини толиб бераман! Истаган қишлоқ одамига беринг, толиб беради керакмиз жойини.

Шаҳарлар ҳеч қачон қишлоқ бўлмайди. Қишлоқлар ҳеч қачон шаҳар бўлмайди! Бу исбот талаб қилмайдиган оддий ҳаёт ҳақиқати!

Агар муаммоларни айтишдан кўрсак, кимдандир чўчикасак, ҳеч қачон ривожланмаймиз! Ҳаётимиз ҳеч қачон ўзгариб қолмайди!!!

Қонунчилик муҳокамалари портали... жуда чиройли ном! Кўпчилик нолийди, лекин бу портал керак! Фақат бу портални интернетдан ҳақиқий ҳаётга олиб чиқиш керак! Бир қадам нарига боқинг, кўрасиз, нимани айтаяпман!

Бурнидан нарини кўрмайдиган "раҳбарча"лар "КАТТА"-сининг нағмасига учиндан бошқани билмаса, додингни фақат Худога айтасаними?!

Ахир, Қодирини нега ўлдиришди? Нега Усмон Носирни Магаданга сургун қилишди? Қўрқоқлиги учунми?! Асло! Улар мард эдилар, мард! Улар номард эмасдилар! Улар чин инсон, ҳақиқий ватанпарвар, миллатпарвар эдилар!

Мажлисда ялтоқланиб, қўлигини кўтариб-тушириб ўтиргунча шўр сувни челақлаб

ташиб ичаётган, уч кунда бир, истаса эрта тонгда, истаса, кечки овқат маҳали сув келади-ган "уличний кран"га кўз тикиб, ранги саргайган одамларга, сув ташийман, деб боласидан оғир юкни кўтариб, норасидаси тугилмай нобуд бўлаётган оғирроқ келинларга ёрдам бер, ақлинг етса! Шу қўлларинг билан энгингни шимариб, бир қишлоқларнинг "катта одам"ларнинг қадами етмаган ёзда тупроқ, қишда лой бўлиб ётадиган йўлларини айланиб, шабадалаб кел, диққанафас хонада мониторга термулиб, ўзинг ҳам ишонмайдиган тартибларни ёзиб, имзолаб, тасдиқлаб, бошқаларга пеш қилгунча!

Ҳамманинг ҳаёти сенкидай тўқис, бир маромда эмас! Ойлиги ойлигига етмайдиганлар бор бўёгда. Қора қозони гўшт кўрмаётганлар бор... боласига янги кийим олиб беришга ҳам пул тополмай, уст-бошини янгилолмаётганлар бор... Уч боласини контрактда ўқитаётганидан бозордан бери келмайдиган сўтчи аёллар бор бу томонда...

Метрополитен хизматчиси бўлган аёл сўтчи аёлга ўдағайлайди:

— Ҳой, сизга бел керак эмасми-а?!

Аёл индамайди. Оғир юкни кўтариб, зинапоялардан вазмин қадам босиб тушаркан, рўзгорининг камини, уйига нон олишни, ёғнинг нархи ошганини ўйлайди. Кеча мактабдан оёғидан сув ўтиб келган, шамоллаб ётиб қолган кенжасига арзонроқ, лекин иссиқроқ этик олишни ўйлайди...

Орқасидан шошилиб келиб, қўлидаги юкни оламан, дейдиган бирор мард йўқ шу онда. Ҳамма қаёққадир шошаппти боши ганиб. Қўлларини узилгудек бўлиб юкларини кўтаришга ёрдамлашаман. Ҳа, бу аёлга ростанам бел керак эмасга ўхшайди... Ўзи бу аёлда бел борми? Унинг кимларгадир ўхшаб бели етти букилмагани учун шундай мағрурдир, балки, а, нима дейсиз?!

Бели букилмаган пулларни санамай ишлатадиганлар бу аёлнинг ҳаёлида нима бор, ҳаёти қандай, рўзгори бутми, нима иши бор?!





■ ЯҚИНДАГИНА ижтимоий тармоқларда кичик ёшли болани азоблаб, тиббиёт талабларига мутлақо мос бўлмаган ўқалаш муолажаси акс этган видеолар тарқалган эди. Пойтахтимиздаги оилавий поликлиникалардан бирининг биносида тасвирга олингани айтилган бу ҳаракат жамоатчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Ҳолат юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати расмий муносабат билдирди, вазирлик мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига муурожаат қилган. Соҳа мутахассислари бу борада ўз фикрларини билдиришди.

“...ушбу хатти-ҳаракатлар нафақат тиббиёт, балки инсонийлик туйғуларига ҳам ётдир. Вазирлиқнинг бу каби ҳолатларга нисбатан позицияси аниқ ва қатъий: биз инсон ҳаёти ва саломатлигига ҳавф соладиган, қадр-қиммати ва шаънини топтовчи ҳар қандай хатти-ҳаракатга муросасиз муносабатдаммиз. Ишонамизки, тез орада ушбу ҳолат ўз ҳуқуқий баҳосини олади”, — деди ушбу ҳолат юзасидан муносабат билдирган Соғлиқни сақлаш вазир Бехзод Мусаев.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан худди шундай ҳолат Бухорода ҳам юз бергани ҳақида хабар тарқалди. Тўғриси, она сифатида ҳар иккала видеоасвирни охиригача кўришга юрагим дош бермади. Қарай олмайди. Эсимда қолгани сохта массаждининг бемерх кўллариди азебла-наётган химоясиз гўдақнинг аччиқ йиғиси. “Дунёдаги барча болалар бир тилда йиғлайдилар” деган эди донишмандлардан бири. Улар нодонлар дастидан ва зулмидан оқиллардан нажот кутади.

Массаж муолажасини бажарган шахслар мазкур фаолият билан шуғулланиш учун рухсатнома ва сертификатга, қолаверса, физиотерапия йўналишида диплом ва малака тоифасига эга эмаслиги маълум бўлганда жамоатчиликда кўплаб ўринли саволлар пайдо бўлди.

Нега бундай ҳолатга йўл қўйилди? Наҳотки, тиббиётга оид соҳаларда рухсатнома, сертификатсиз ҳам фаолият юритиш мумкин бўлса? Бу бўйича назорат олиб бориладими ўзи? Демак, аксарият ҳолатларда биз фарзандларимизни ҳеч қандай тиббий билимга эга бўлмаган “кинначилар” қўлига топшириб кезиб юрмоқчи эканми-да?

Тўққиз ойлик жиянимга массаж муолажасини олишни бошламоқчи бўлган келинимга телефон қиламан:



## Болангизни кимнинг қўлига топширяпсиз?

массажи опанинг рухсатномаси, сертификати бормикан, сўрадиларинми? Уни ким тасвир қилган эди?

Кутганимдай жавоб оламан: сўралмаган. Рухсатнома, сертификати бор-йўқлигини сўраш бизда одат эмас. Ким тасвир қилган? Қўшни аёллар...

Ўқориди каби ҳолатларга соҳани назорат қилиши керак бўлган мутасаддилар билан теппа-теп ўзимиз ҳам айбдоримиз. Ҳуқуқий билимимиз ҳам, тиббий билимимиз ҳам етишмайди. Оқ халат кийган киши борки, гапига ишонамиз. Суриштириб ўтирмаймиз. Докторнинг ёзган дорисини олиш, айтган тасвирини қилиш керак деган тушунча онгимизда ўрнашиб қолган. Тўғри, доктор тасвирини билангина шифо топади одам. Лекин мана бу дори нима учун, акс таъсири йўқми, тасвир қилаётган видеоасвирдаги болаларга “доктор”нинг қўлида чеккан азобларини унутиш учун қанча вақт керак бўлади?

Мутахассислар бир овоздан ўқалаш муолажаси боланинг жисмоний, руҳий ривожланишида, иммунитетни мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашади. Шу билан бирга, нотўғри муолажа болани бир умрга мажрўҳ қилиб қўйиши мумкинлигини ҳам инкор этишмайди. Хулоса чиқаришга шошилмайми, албатта. Лекин фарзандингизни, унинг соғлигини кимга ишониб топшираётганингиз ҳақида жиддий уйлашга қақирамиз. Бу сизнинг бурчингиз!

доктори, профессор Ахрорбек Жўраевнинг гапи.

Аксарият болалар оқ халатли кишиларни кўрганда кўрқиб, йиғлашга тушишини кўп кузатамиз. Буни табиий қабул қиламиз. Аслида шундай бўлиши керакми? Албатта, бу алоҳида ва жиддий таҳлил талаб этадиган мавзу. Айтишларича, болаларнинг докторлардан кўриши фақат бизда кузатилади экан. Ривожланган мамлакатлар, дейлик, Европада болалар доктор билан бажонидил мулоқотга киришади, унинг муолажаларини қизиқиш ва хайрихоҳлик билан қабул қилади. Демак, болаларда кўрқув ҳиссининг пайдо бўлишида аксар ҳолатларда педиатрлар ҳам қатта роль ўйнайди. Масалан, муҳокама қилаётганимиз ижтимоий тармоқларда тарқалган видеоасвирдаги болаларга “доктор”нинг қўлида чеккан азобларини унутиш учун қанча вақт керак бўлади?

Мутахассислар бир овоздан ўқалаш муолажаси боланинг жисмоний, руҳий ривожланишида, иммунитетни мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашади. Шу билан бирга, нотўғри муолажа болани бир умрга мажрўҳ қилиб қўйиши мумкинлигини ҳам инкор этишмайди. Хулоса чиқаришга шошилмайми, албатта. Лекин фарзандингизни, унинг соғлигини кимга ишониб топшираётганингиз ҳақида жиддий уйлашга қақирамиз. Бу сизнинг бурчингиз!

Фазилат ЁДГОРОВА, журналист

### ХАЛҚАРО ФОРУМ

■ ШУ йилнинг 28 июнь куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида илк мартаба Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, “USAID”-нинг Ўзбекистондаги миссияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Халқаро қамқонхоналар ислоҳоти ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан ҳамкорликда “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Марказий Осиё давлатлари Омбудсманларининг ҳамкорлиги” мавзусида биринчи форум бўлиб ўтди.

## Марказий Осиё давлатлари Омбудсманлари ўртасида ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Форумнинг асосий мақсади Марказий Осиё давлатлари Омбудсманларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш, инсон ҳуқуқларининг долзарб масалалари бўйича минтақавий муҳокамалар ташкил қилишга қаратилди.

Агар тарихга назар ташласак, 1995 йил 23 февралда МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Омбудсман институти жорий этилган. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўз иш фаолиятида кўплаб фуқароларнинг муурожаатларини ҳал этиб келмоқда. Жумладан, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишда ўз хиссини қўшмоқда. Қолаверса, бир қанча хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан узаро ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланмоқда. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Халқаро Омбудсман институти, Европа Омбудсман институти, Осиё Омбудсманлар Ассоциацияси, Туркий тили давлатлар Омбудсманлари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар Ассоциацияси каби халқаро ташкилотларнинг тўла қонли аъзоси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур халқаро форум доирасида Марказий Осиё давлатлари Омбудсманларининг алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи Меморандумлар имзоланди. Форум уч сессиядан иборат бўлди. Унда хотин-қизлар, болалар, ногиронлиги бўлган шахсларни химоя қилиш ва рағбатлантириш ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларнинг ҳуқуқлари таъминлигини борасида узаро тажриба алмашилди.

Форум сўнгида Марказий Осиё давлатлари Омбудсманлари ўртасида Тошкент декларацияси қабул қилинди. Шу билан бирга, мазкур форумни анъанавий равишда ҳар йили ташкил этиш режалаштирилди.

Нодирбек ЮСУПОВ,

Тошкент давлат юридик университети “Меҳнат ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

“ZANGIOTA MOHR” advokatlik firmasi advokati Nurmatova Muxabbat isabeyeva vafot etganligi sababli uning advokatlik faoliyatini bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyaviy amal qilishi va advokat maqomi Toshkent viloyati adilya boshqarmasining 2022-yil 1-iyuldagi 126-um-sonli buyruqiga asosan tugatildi.

shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyaviy amal qilishini 1 oy muddatga, ya'ni 2022-yilning 24-iyun kundan 24-iyul kuniga qadar hamda Qarshi shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Xonqulov Ramjon Ravshanovichga (litsenziya KS 0007, 2020-yil 23-aprel) viloyat adilya boshqarmasi tomonidan berilgan xususiy notarial faoliyat bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyaviy amal qilishini 1 oy muddatga, ya'ni 2022-yilning 24-iyun kundan 24-iyul kuniga qadar to'xtatildi.

KS 000071-reyestr raqamli advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyasi hamda advokatlik maqomi tugatildi. Qashqadaryo viloyati adilya boshqarmasi tomonidan jori yilning 22-iyun kuni Yakkabog' tumani "HIMOVA TENGLOV" advokatlik byurosi advokati Ibragimov Shoket Egamberdievichga viloyat adilya boshqarmasi tomonidan 2018-yil 28-dekabrda berilgan KS 000102-reyestr raqamli advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyasi hamda advokatlik maqomi tugatildi.

Yusufxon o'g'li "KAFOLAT" advokatlar hay'atiga ishga kirganligi munosabati bilan 158-sonli advokatlik guvohnomasi va maqomi berildi. Jizzax viloyati adilya boshqarmasining 2022-yil 6-iyuldagi 124-um-sonli buyruqiga asosan, Murodov Shaxzod Karim o'g'li "KAFOLAT" advokatlari hay'atiga ishga kirganligi munosabati bilan 160-sonli advokatlik guvohnomasi va maqomi berildi. Jizzax viloyati adilya boshqarmasining 2022-yil 6-iyuldagi 125-um-sonli buyruqiga asosan Vakasov Farhod

Инсон ва ҚОНУН
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИА ВАСИРЛИГИ
2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
руйхатга олинган
1338 2030-7497
"Адолат" миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Икрамов Музафр Мубаракходжаевич
Тожиев Фуқрат Шомуродович
Юлдашева Шоҳидахон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Бош муҳаррир
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

Таҳририятга келган
қўлёзмалар таҳрир
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Навбатчи
Хуришд Султонов
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳақда, офсет усулида "Business print" хусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй
Тираж — 3270
Буғуртма — 186
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпиришда — 17:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоли келишилган нарса

САБОҚ

## Тафраккурдаги адолат

ЗУЛМ кўрган одамлар журъатли ва ўткир тилли бўлади. Китобда ёзилишича, зулм кўрган бир кампир дарё кўприги устида султон Маликшоҳга рўбарў келиб, отининг жиловидан тутди. Подшоҳ кампирни ҳайдаш учун камчи кўтарган ясовулга ишора қилиб, шикоятчига изн берди. Кампир арзга оғиз очди ва деди: “Эй Алп Арслон ўғли, агар шу Зиндаруд кўприги устида додимга етмасанг, Худо ҳаққи, Сирот кўприги устида сени инсофга келтирмай, душманлик қўлимини этагингдан асло олмайман! Яхшилаб ўйла, бу икки кўприкдан қайси бирини ихтиёр қиласан?”

Султон бу сўзнинг ҳайбатидан отдан тушди ва сўради: “Эй она, мен у кўприк устида жавоб беришга тоқатим йўқ, шу ерда айт, сен қандай кишидан ситам кўрдинг, ундан додингни олиб берайин!”

Кампир арзини айтди ва султон шу заҳоти мазлумага ўзининг ҳалол молидан мўл-кўл инъом этиб, нажот бахш этди.

Султон вафот этганида кампир ҳали тирик эди. Бир кеча тун ярмида кампир султоннинг қабри бошига бориб, қўлини дуога очди ва унинг ҳаққига узоқ дуо қилди.

Маликшоҳнинг тобеларидан бири уни тушида кўрди ва ундан сўради: “Эй подшоҳ, Аллоҳ таоло сенга қандай муомала қилди?”. Жавоб берди: “Агар ўша кампирнинг дуоси қўлламаса, уқубат чангалидан кутулишим маҳол эди”.

## Ҳазилати бўлмаганнинг дўсти ҳам бўлмас...

ҚУШЛАР билан йиртқичлар ўртасида катта низо чиқибди. Иккала томон ҳам ўзига қўшин йиғи бошлабди.

Кўршапалак қайси тарафга қўшилишни билмай, икки томонга қўлибди. У турган шох олтидан ўтиб кетаётган қушлар:

— Юр, бизлар билан, — дейишибди.

Аммо Кўршапалак:

— Мен йиртқичман, — дебди.

Кейинроқ уни тагидан ўтиб кетаётган йиртқичлар тепага қараб шундай дейишибди:

— Юр, бизга қўшил.

Лекин у: — Мен қушман, — дебди.

Хайриятки, охириги лаҳзаларда тинчлик ўрнатилибди, ҳеч қандай ғуруш бўлмабди. Шунда Кўршапалак қушларнинг олдида ғориб улардан ўзини хурсандчилиги арига шерик қилишганини сўрабди. А лекин ҳамма қушлар ундан юз ўгириб учиб кетишибди. Шундан кейин Кўршапалак йиртқичларнинг олдида борибди. Бироқ у ердан ҳам чекинишга мажбур бўлибди, зеро, йиртқичлар уни бурда-бурда қилишга шай турардилар.

Шунда Кўршапалак ўзига шундай деди:

— Ҳазилати бўлмаганнинг дўсти ҳам бўлмас экан.

## “Судья магнавияти, одоб ва масъулияти” китобидан



Бугун Сизга умр йўлини ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз адлия фахрийси, узоқ йиллар Адлия вазирлигида масъулиятли лавозимларда фаолият юритган, ўз соҳасининг фидойиси бўлган Раънохон Каримова ҳам эзгу амаллари, тажрибаси билан ўзига хос ҳуқуқшунослик мактабини яратиб кетган. Опанинг ҳаёт китобини varaқлар эканмиз, аёл бўлишига қарамай, барча масъул вазифаларни тенг бажара олган, масъулиятли, ўта саҳий ва самимий, камтар, шижоатли бир аёл кўз олдимизда гавдаланади.

Опа узоқ йиллар шу соҳада ишлаб, деярли 30 йиллик умрини адлия соҳасига бағишлаб, чин дилдан хизмат қилди. 1971 йилда Адлия вазирлигининг катта маслаҳатчиси, бўлим бошлиғи, 1977 — 1999 йилларда вазирлиқнинг Қонунчилик бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият юритди. Ҳар бир топширик, ҳар бир вазифага жиддий қараб, синчковлик билан ўрганиб, хулоса қилишга шошилмай, вазминлик, босиқлик билан иш кўрарди.

Ўрганишдан чарчамас бу аёл меҳрибонлик ва одамийлик фазилатлари юксак инсон эди. Бугунги ёш авлод бир юрист орзу қилган барча бахтга эришган ҳуқуқшунос опанинг умр йўлига ҳавас билан қарайди. Раънохон опа ҳам ҳаётда, ҳам иш фаолиятида доим ўзининг эзгу ишлари билан атрофидагиларни яхшиликка ундарди. Ҳуқуқшунос опанинг ҳалол ва заҳматли меҳнати муносиб тақдирланиб, Президент фармони билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” унвони билан тақдирланди.

Раънохон опанинг қонунларимизнинг адолатли бўлишига, уларни ҳаётга татбиқ этишда қилган хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Раънохон Юнусовна ҳар қандай синовали даврларда ҳам инсондек яшади, яхши одамларга эргашиб, улардан ибрат олди. Ўз меҳнати, қатъияти ва илмга бўлган ташналиги сабаб ҳуқуқшунослигимиз тарихида қоладиган беназир устозлардан бирига айланди.

Раънохон Юнусовна билан узоқ йиллар бирга ишлаган ҳамкасблари, шогирдлари ҳуқуқшунос опани шундай хотирлашади.

## “Масъулият билан ишларди, бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди”

Мирфайзи ота МИРСАМАДОВ, адлия фахрийси

— Раъно опа билан 30 йил бирга ишлаб, қонунчиликни такомиллаштиришга ҳисса қўшдик. Опа Адлия вазирлигидаги илк фаолиятини 1971 йилда бўлим бошлиғи лавозимида бошлаган. Қўл остида 30 дан ортиқ ҳодимлар ишлаган. Уларнинг кўпчилиги ҳозир судья, адвокат лавозимларида фаолият юритишяпти.

Опа ниҳоятда самимий ва камтар инсон бўлган. Ходимлар орасида турли миллат вакиллари бор эди. Уларнинг аъзоли турлича бўлса ҳам ҳаммасини яқин кўнглидан жой толарди. Масъул ият билан ишларди ва бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди. Ҳеч қачон бировдан маслаҳатини аяган эмас.

Қонунчилик бош бошқармасини узоқ йиллар бошқарган. Биласиз, қонунчилик ўта эҳтиёткорликни талаб қилади. Опа ниҳоятда эҳтиёткор, сезгир эди. Ҳар бир қонунчилик ҳужжати-ни эринмай синчковлаб ўқиб чиқарди. Ҳар бир жумладаги майда деталларга аътиборли эди. Опа шогирдларидан, ҳамкасбларидан ҳам шундай масъулиятли бўлишни талаб қиларди.

— Аёл раҳбар билан ишлаш қийин бўлмаганми? — сўраймиз отахондан.

— Йўқ, аксинча, қизиқarli бўлган. Топшириқлар кўп бўлса ҳам ҳаммасига улгурардик. Раъно опадаги маъсума-

“ЯХШИДАН бoғ қолади” деган нақл бор халқимизда. Бу бoғдан кўпгина инсонлар умр буйи баҳраманд бўлишадн. Дарҳақиқат, яхши яшалган умр йшлар билан эмас, бажарилган ишлар билан ўлчанади.



## Яхши яшалган умр йшлар билан эмас,

## БАЖАРИЛГАН ИШЛАР БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

лик, самимийлик, талабчанлик, ташаббускорлик фазилатларини ҳаммиша қадрлаб келганман. Раъно опа ҳақида эслаганда бир жойда узоқ йиллар фидокорона ишлаганларини алоҳида айтиб ўтиш ўринли бўлади. Опа ҳар биримизнинг кўнглимизда ёрқин из қолдириб кетди.

## “Ҳаётда нимага эришган бўлсам, барчасида устозининг хизмати бор”

Улўғбек АЮБОВ, “Ноғма” МЧЖ бош мутахассиси

— 1996 йилда Адлия вазирлигининг Қонунчилик бошқармасига амалдаги қонунларнинг тизимлаштирилган тўпламини ва республика янги қонунлари мажмуини тайёрлаш бўйича масъулиятли топширик берилди. Бошқарма ходимларига ўта масъулиятли иш — Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Боххона ва Меҳнат кодексларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Кодекслар лойиҳаларини тузиш бўйича 5 та ишчи ғуруҳ тузилди. Агар эсласангиз, у пайтлар интернет ривожланмаган, ҳозирги замонавий компьютерлар йўқ, ёзувлар қўлда машинкаларда териларди. Раъно опа учун бу топширик ҳақиқий синовали, масъулиятли топширик эди. Опа ҳар бир ишчи ғуруҳнинг ишларини масъулият билан ташкил этар, зарур нарса-лар таъминотини тезкорлик билан ҳал қилиб берарди. Халқаро қонунчилик нормаларини топиш ва уларнинг таржимасини ташкиллаштиришда ҳам фаоллик, тезкорликлари қўл келди. Биз эса, опадаги энергиядан куч олардик. Ишга меҳр билан ёндашишни, Ўзaro аҳилликни ҳам опадан олганмиз аслида.

Ҳозирги кунда қонун лойиҳалари ёзилишидан аввал унинг концепцияси тайёрланади. Ушбу концепцияда қонуннинг мақсади, у нимага олиб келиши ҳақида батафсил маълумот берилади. Раъно опа бизга бунн 30 йил аввал ҳар бир қонун лойиҳасини тайёрлашимизда қайта-қайта таъкидлаб, ўргатганлар. Қонунларни ёзишдан аввал, аҳолига, жамиятга нима беради, шуни асослаб, шуни инobatга олиб ёзишимизни талаб қиларди. Айтмоқчиманки, опанинг иш

тажрибаси, қонунчилик мактаби келгусида барча юристлардан концепция сифатида талаб қилинадиган бўлди.

Раъно опа ходимларига доимо жонкуяр эди. Уларга нафақат ишхонада, балки ташқарида ҳам ғамхўрлик қиларди. Ходимларнинг оиласида нима гап, юриш-туриши, хулқ-атвори, уйдаги ҳолати, вазияти қандай, бу билан доим қизиқиб турарди. Маслаҳат берарди. Опа ҳар қандай вазиятда ҳам ходимларини ўз фарзандидек ҳимоя қиларди.

Эсимда, бир ҳамкасбимизнинг оилавий можароси сабабли ишхонага унинг турмуш ўртоғи арз қилиб келганида опа уларга тўғри йўл кўрсатиб, ёш оилани яраштириб қўйиб, оиланинг тинчлигини таъминлагандилар. Ҳозиргача ўша маҳаллар эшитганларимизга, тўғри йўл-йўриқларга амал қилиб яшаб келаямиз. Опанинг ўғитларини қулоққа олиб, кам бўлмадик.

— Раъно опа Сизнинг ҳаётингизда қандай из қолдирган? — сўраймиз Улўғбек акадан.

— (Сухбатдошим беихтиёр йиғлаб юборади)... Опа ҳам инсонийлик фазилатлари билан, ҳам ишдаги тажрибаси билан бизга ўрнак эди. Билмишли, юксак дидли, етук кадр, касбига фидойи ҳуқуқшунослардан бири эди. Опага ўхшаб элда азиз бўлишга интилиб келганмиз доим. Юридик соҳада нимагаки эришган бўлсам, ҳаётда эришган барча ютуқларимга ҳам Раъно опа сабабчи деб биламан.

Устоз-шогирдликдаги бу қадар самимиятнинг кўриб, опани кўргандай бўлдик. Йиллар соясида йўқолмайдиган ҳаммиша ёруғ хотиралар, меҳр ришталари узилмасин! Бугун Раъно опа орамизда бўлганида 84 ёшнн қарши олган бўлар эди. Устозининг ҳаёт йўли, инсонийлик фазилатлари бир умр ёшларга сабоқ бўлгулик. Айниқса, опанинг кексалик гаштини сурган маҳаллари ҳам ҳуқуқий масалаларда ёрдам сўраб келганларга қўмаклашиб, тўғри йўл кўрсатиб юрганларини эслашади. Раънохон Каримованинг маслаҳатлари, фидойилиги, жонкуярлиги, шижоати, жасорати ҳар бир ҳуқуқшуносга ибрат бўлиб қолади.

Дилфуза ЭРГАШЕВА, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими